

## “5+1 тизими” бўйича Ботиометрик марказга саёҳат

“Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультети 5430500- Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти таълим йўналишининг 1-босқич талабалари 2021 йил 27 февраль куни “5+1 тизими” бўйича “Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш” кафедраси ассистенти Н.Айтбаев билан Тошкент шаҳар Сергили туманида жойлашган “Ботиометрик марказ”га ташриф буюришди.



Талабалар “Ботиометрик марказ”нинг асосий иш фаолияти билан танишди. Марказ замонавий технологиялар билан таъминланган бўлиб, асосан иш фаолияти Республикамизнинг барча вилоятларида насос станцияларига сервис хизмат кўрсатишдан иборатдир.



Ушбу марказда мутахассислар тамонидан талабаларга электр моторларни изоляциясини қаршилигини текшириш, насос станцияларининг ишдан чиқиш сабабларини тушунтириб беришди. Сўнги технологиялар билан жиҳозланган ушбу лаборатория қурилмалари талабаларда катта қизиқиш ва таъсурот қолдирди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарлича жавоблар олишди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**